

Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш асосий вазифамиздир!



Vaziyat

2023 йил
11 май
№ 19 (908)



Ўзбекистон Республикаси Фавқулдда вазиятлар вазирлиги нашри ○

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган



ЭҲТИРОМ

Инсон азиз, хотира муқаддасдир. 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни барча вазирлик ва идоралар қатори Фавқулдда вазиятлар вазирлиги тизимида ҳам муносиб нишонланди.

Жойларда сана муносабати билан фахрийлар хонадонига ташриф буюрилиб, уларнинг ҳолидан хабар олинди, эҳтиром кўрсатилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фавқулдда вазиятлар вазири генерал-майор Абдулла Қўлдошев Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда фронт ортида хизмат қилган фахрийлар хонадонига бўлиб, байрам муносабати билан йўлланган Президент табригини ўқиб эшиттирди. Пул мукофоти ҳамда эсдалик совғаларини тантанали топширди.

Ҳозирда ушбу эзгу ва хайрли тадбирлар давом эттирилмоқда.

* * *

Шу куни ФВВ раҳбарияти ва бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар пойтахтимиздаги “Мотамсаро она” ҳайкали пойига гулчамбар қўйдилар.

Дарҳақиқат, она юрт, халқ хотиржамлиги учун жанггоҳларда қон кечган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган уруш фахрийларининг жасорати ва матонати қалбларимизда мангу яшайди.

ФВВ Матбуот хизмати.

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни



УШБУ СОНДА:

САЙЁР ҚАБУЛ



2-бет

НОКИМ BOSHCHILIGIDA



3-бет

KORXONADA MASHG'ULOT



4-бет

SAMARALI USUL



5-бет

САЙЁР ҚАБУЛ

Гулистон ҳарбий прокуратураси Сирдарё вилояти ФВБ, шунингдек, қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда Гулистон шаҳар ФВ бўлими ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзолари учун навбатдаги сайёр қабул ўтказди.

Сайёр қабулда тизимда фаолият олиб борувчи ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари билан бир қаторда, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, ўзларини қийнаётган муаммоларга ечим топиш билан бир қаторда, ўз саволларига мутахассислар томонидан атрофлича жавоб олдилар.

Қабул давомида 120 нафардан ортиқ иштирокчидан жами 83 та оғзаки мурожаат



қабул қилиниб, уларнинг 74 тасига қонуний тушунтириш берилган бўлса, ўрганиш учун қўшимча вақт талаб этадиган 9 та мурожаат назоратга олинган ҳолда тегишли мутасадди идораларга йўналтирилди.

Шерзод САРКАЕВ,
Сирдарё вилояти
ФВБ бошлиғи ўринбосари,
подполковник.
Равшан ЖАЛИЛОВ,
Гулистон ҳарбий прокурори,
адлия подполковниги.

МАХСУС ТЕРГОВ ХОНАСИ



Шунга асосан Наманган ва Бухоро ҳарбий прокуратураларида махсус тергов хоналари ташкил этилиб, улар илғор хорижий тажриба асосида замонавий ахборот-коммуникация восита-

лари, жумладан, сўроқ жараёнини стенография қилиш, видеокузатув, аудио ва видео қайд этиш воситалари, шунингдек, бир томонлама кўриш имконини берувчи махсус "Газелла" ойнаси ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида қонунийликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида ҳарбий прокуратура органларини замонавий тергов хоналари билан таъминлаш чораларини кўриш белгиланган.

Мазкур махсус тергов хонаси сўроқ, юзлаштириш, шахсни таниб олиш, масофадан туриб, видеоконференцалоқа тизимида тергов ҳаракатини олиб бориш имконини бериш билан бирга, далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда қонунийлик ва ҳолисликни таъминлайди. Қийноққа солиш, психо-

логик ва жисмоний таъйиқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд қадр-қимматни камситувчи муомала турлари каби ноқонуний усулларни қўллашни бартараф этишга хизмат қилади.

Сардорбек ЁРМАТОВ,
Республика Ҳарбий
прокурори
ёрдамчиси, адлия
подполковниги.

Жиноят ва жазо

ҚАЛТИС ЙЎЛ

Суднинг қора курсисидан ўтирган 21 ёшли Б.Т.нинг аҳволига биров ачинса, яна бошқаси нафрат кўзи билан қарайди. Чунки у илгари фирибгарлик жиноятини содир этганлиги учун ҳам судланган эди. Аммо бундан хулоса чиқармади. У вояга етмаган икки нафар ўспиринни ўзига ўғирликка шерик қилди. Улар ўтган йилнинг 3 июль куни соат 01.30 ларда Яккасарой тумани Муқимий кўчаси 3-уй олдига бир аёлга тегишли бўлган "NEXA – 3" русумли автомашина ичидан 7 миллион сўм нақд пулни ўғирлаб, воқеа жойидан яширинишади. Олиб борилган тезкор қидирув ва суриштирув давомида Б.Т. кўлга олинади.

Судланувчи Б.Т. суд мажлисида айбига иқроор бўлиб, ёшлигидан вояга етмаган икки ўспиринни танишини, улар билан ўша куни кечаси овқатланиш мақсадида кафега киришганини баён қилди. Кафедан

қайтиб чиқишгач, "NEXA – 3" русумли автомашинани кўришган. Шундан кейин у автомашинанинг эшигини очиб, ичини титкилаб, салондан 7 миллион сўмни олиб қочган.

– 2 июль куни тахминан соат 21:00 лар атрофида уйга келдим, – деди судда жабрланувчи аёл. – Машинани уй олдига қўйиб пулт билан қулфладим. Эртаси куни эртапаб кўчага чиқиб, машинага қарасам, ҳамма томони очиқ. Багаж ва салондаги нарсалар ёйилиб ётибди. Шундан кейин "102" га хабар қилдим. Ўғрилик натижасида автомашинага ҳеч қандай зарар етказилмаган. Эшик қулфлари бузилмаган. Хужжатлар жойида эди. Фақат 7 миллион сўм пул ўғирланган. Менга етказилган зарарни тўлиқ қоплашди. Шунинг учун уларга нисбатан ҳеч қандай моддий ва маънавий даъвоим йўқ. Ўғрилик қилган йигитга нисбатан

енгилроқ жазо беришингизни сўрайман.

Суд томонидан Б.Т. ўғрилик ва бошқа жиноятни содир этганлиқда айбли, деб топилди. Унга Ж.К.нинг тегишли моддаси тартибда тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2021 йил 27 майдаги ҳукми билан тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди ва жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташи белгиланди.

21 ёшида иккинчи марта судланган бу йигитнинг қилмишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Айни ўқиб-ўрганганидан, ишлайдиган даврида эгри ишларга қўл урди. Мазмунсиз ҳаёт кечириш, оқибатини ўйламай қадам босиш уни ана шу кўйга солди.

Алишер ЖАЛИЛОВ,
жиноят ишлари бўйича
Яккасарой туман
суди раиси.

Фаргона ҳарбий прокуратураси томонидан Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий қисмда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирокида сайёр қабул ўтказилди.

МУРОЖААТЛАР ЎРГАНИЛДИ

Мазкур қабулда келиб тушган 11 та мурожаатнинг 3 таси шу жойнинг ўзида ижобий ҳал қилинган бўлса, 6 таси бўйича тушунтириш берилди ва 2 таси назоратга олинди.

Бундан ташқари, ҳарбий қисм ётоқхонасида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига яратилган шарт-шароитлар билан танишилди.

Шукуржон ТОШМАТОВ,
Фаргона ҳарбий прокурори катта
ёрдамчиси, адлия подполковниги.



ЁШЛАР ДАВРАСИДА



Термиз ҳарбий прокуратураси ва Сурхондарё вилояти ФВБга бириктирилган Сарисийё туманидаги ёшлар учун бошқарма бошлигининг қабули ҳамда Денов тумани ФВ бўлими ёнгин-қутқарув қисмида "Очиқ эшиклар куни" тадбири бўлиб ўтди.

Тадбир давомида ёшлар ўртасида шахмат, шашка, стол тенниси ва футбол мусобақалари ўтказилди. Шунингдек, қутқарувчилар томонидан чиқишлар, ёнгин ўчириш асбоб-анжомларининг ишлаш имкониятлари амалда кўрсатилди.

Мусобақада ғолибликни қўлга киритган жамоалар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Сарвар ДАМАНОВ,
Термиз ҳарбий прокурори ўринбосари.

ҚАДР – УМУМИНСОНИЙ БУРЧ

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Бош прокурор ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори Ботир Кудратходжаев раҳбарлигида мутасадди ташкилот раҳбарлари ҳамда ёшлар иштирокида Мирзо Улуғбек туманида яшовчи 83 ёшли Ирина Панкова ҳолидан хабар олинди.

Тадбир давомида Ботир Кудратходжаев уруш фахрийси И.Панковага бир марталик пул мукофотини топшириб, Президентимизнинг Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабанинг 78 йиллиги муносабати билан йўллаган байрам табригини ўқиб эшиттирди ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғаларини тантанали равишда тақдим этди.

Сардорбек ЁРМАТОВ,
Республика Ҳарбий прокурори
ёрдамчиси, адлия подполковниги.

DAVRA SUHBATI

FVV Akademiyasi huzuridagi Boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazi ma'naviyat va ma'rifat zalida markaz siki boshlig'i podpolkovnik A.Qobulov va siki o'qituvchisi, falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (Ph.D) kapitan O.Maxammatovlar tomonidan "Yangi Konstitutsiya-da ta'lim masalalari" mavzusida davra suhbati o'tkazildi.



Tadbir yakunida tinglovchilar o'zlarini qiziqtirgan savollarga javob oldilar.

J.SAIDOV,
FVV Akademiyasi huzuridagi BTvaMOM
boshlig'i, podpolkovnik.



Farg'ona shahar 40-ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim maktabida viloyat FVB hamda Farg'ona harbiy prokuraturasi hamkorligida "Fuqaro muhofazasi kuni" tadbiri tashkil etildi.

KO'NIKMALAR MUSTAHKAMLANDI

Tadbir davomida Farg'ona harbiy prokurori Sh.Saidov va viloyat FVB boshlig'i o'rinbosari podpolkovnik U.Ismoilovlar o'quvchi-yoshlarga yaratilgan sharoitlar bilan yaqindan tanishib, ularga favqulodda vaziyatlarning oldini olish hamda bunday

vaziyatlarda to'g'ri harakatlanish yuzasidan tushuncha va tavsiyalar berdilar. Shuningdek, shartli ravishda zilzila sodir bo'lganda o'quvchi-yoshlarning harakatlari, yong'inning oldini olish hamda jabrlanganlarga birinchi tibbiy yordam ko'rsatish bo'yicha

ko'rgazmali amaliy-taktik mashg'ulot o'tkazildi.

Sohada qo'llaniladigan maxsus texnikalar ko'rgazmasi tashkil etilib, ularning texnik imkoniyatlari to'g'risida ma'lumotlar berildi.

Tadbirda faol qatnashgan ishtirokchilarga viloyat FVB boshlig'ining faxriy yorliqlari topshirildi.

Isroil ISROILOV,
Farg'ona viloyati FVB
HF XO'M boshlig'i, mayor.

AMALIY TARZDA

FVV va mutasaddi vazirlik hamda idoralar mas'ul xodimlari ishtirokida Surxondaryo viloyati hokimligida aholi va hududlarni tabiiy hamda texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish bo'yicha amaliy seminar o'tkazildi.

Mazkur seminarida Surxon-

daryo viloyati hududida yong'inlar va boshqa tUSDagi favqulodda vaziyatlarning oldini olish, o'z vaqtida bartaraf qilish tadbirlari yuzasidan malakalar mustahkamlandi.

J.JO'RAYEV,
Surxondaryo viloyati
FVB JT va OAVBHQQ
boshlig'i, kapitan.



HOKIM BOSHCHILIGIDA



Dehqonobod tuman hokimi – Fuqaro muhofazasi boshlig'i Zoir Aliqulov boshchiligida tuman hokimligining majlislar zalida aholi va hududlarni favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish, yong'in xavfsizligini ta'minlash va fuqaro muhofazasi bo'yicha 2022-yilda bajarilgan tadbirlar yakuni hamda 2023- yildagi ustuvor vazifalar bo'yicha tuman komissiyasining navbatdagi yig'ilishi bo'lib o'tdi.

Toshkent kimyo xalqaro universitetida bo'lib o'tgan "XXI asr tarjimashunosligi lingvomadaniy masalalari" xalqaro ilmiy-nazariy anjumanida FVV Akademiyasi huzuridagi Fuqaro muhofazasi instituti Axborot-resurs markazi boshlig'i Feruza Umarova o'zining "Turk tilidagi favqulodda vaziyatlarga oid terminlarining tarjimasiga doir" nomli ilmiy ma'ruzasi bilan qatnashdi.

ANJUMAN

Ma'ruzada tarjima masalalaridan tashqari, joriy yilning 6-fevralida Turkiyada bo'lib o'tgan zilzilalarda O'zbekiston Respublikasi hukumati, xalqi va Favqulodda vaziyatlar vazirligi xodimlarining zilzila oqibatlarini bartaraf etishda ko'rsatgan yordamlari haqida ham aytib o'tildi.

FVV matbuot xizmati.

SEMINAR

Ikki kun davom etgan mazkur tadbirning nazariy qismida ishtirokchilarga sohaga oid normativ-huquqiy hujjatlarining mazmun-mohiyati yetkazildi. Shuningdek, Tezkor boshqaruv markazi xodimlari va qutqaruvchilarga yaratilayotgan

Jizzax viloyati FVB tomonidan Samarqand, Surxondaryo, Sirdaryo va Toshkent viloyatlari Tezkor boshqaruv markazlari xodimlari ishtirokida o'quv-seminari o'tkazildi.

shart-sharoitlar va ularning moddiy-texnik bazasi ko'zdan kechirildi.

Seminarning amaliy qismida yong'in o'chirish amaliy-taktik mashqi tashkil etildi. Unda Favqulodda vaziyatlar davlat tizimiga kiruvchi xizmatlar-

ning hamkorlikdagi harakatlari sinovdan o'tkazilib, avariya-qutqaruv xizmatlari ishlab chiqarish korxonasida shartli yuzaga kelgan favqulodda vaziyatni bartaraf etish harakatlarini amalga oshirdilar. Kuzatuvchilar qutqaruvchilarning o'quv mashg'ulotlaridagi harakatlariga yuqori baho berdilar.

Oybek RAHIMOV,
Jizzax viloyati FVB Tezkor
boshqaruv markazi
boshlig'i, mayor.

Iftixor UMAROV,
Jizzax viloyati FVB
axborot xizmati rahbari,
katta leytenant.



Tadbir davomida tuman hududida yong'in, tabiiy va texnogen xususiyatli FVlarning oldini olish hamda fuqarolar bilan o'tkazilayotgan profilaktik tadbirlar va targ'ibot-tashviqot ishlari bo'yicha axborotlar tinglandi.

Shuningdek, tuman hududida kuzatiladigan yog'ingarchilik natijasida tog'oldi va tog'li hududlarda sel-suv toshqinini betalafot o'tkazish, piyoda va texnikalar harakatini barqarorlashtirish, targ'ibot-tashviqot ishlari, uchrashuv va davra suhbatlarini yuqori saviyada o'tkazish yuzasidan vazifalar belgilandi.

O'tkirbek YO'LDASHEV,
Dehqonobod tumani FV bo'limi
bo'linma
boshlig'i, mayor.

O'QUVCHILAR UCHUN

Qashqadaryo viloyati FVBda "Ochiq eshiklar kuni" tadbiri o'tkazildi. Unda viloyat Barkamol avlod bolalar maktabi o'quvchi-yoshlari va to'garak a'zolari ishtirok etishdi. Tadbirda qiziqarli faktlar, real sodir bo'lgan voqealar, qutqaruv jarayonlari haqida yoshlarga qiziqarli ma'lumotlar berildi, videoroliklar namoyish etildi.

Amaliy qismda o'quvchilar yong'in o'chirish, qutqaruv mashinalari, undagi zarur asbob-anjomlar haqida mutaxassislardan zarur ma'lumotlar olishdi.

Bobur HAMIDOV,
Qashqadaryo viloyati FVB
bo'lim boshlig'i,
katta leytenant.

O'QUV

Andijon viloyati Izboskan tumanida Favqulodda vaziyatlarning oldini olish va harakat qilish davlat tizimining hududiy hamda quyi tizimi boshqaruv organlari, kuch va vositalari hamkorligida qo'mondonlik-shtab o'quv mashqi o'tkazildi.

FVDT Andijon viloyati hududiy quyi tizimlarining boshqaruv organlari hamda kuch-vositalarini samarali qo'llash yuzasidan rahbarlar tarkibi va bo'linmalarning hamkorligini

takomillashtirish o'quv mashqining asosiy maqsadi bo'ldi.

S. ZULUNOV
Andijon viloyati FVB
OAV va JTBHQG boshlig'i,
mayor.



HAYOT DARSILARI
Qarshi shahridagi "Orzu" savdo majmuasida maxsus-taktik o'quv mashqi bo'lib o'tdi.

Mashq rejaga ko'ra, tunda tashkil etilib, yong'in-qutqaruvchilar shartli yong'inni bartaraf etishga kirishishdilar. Bunda kuch-vositalarni tog'ri yo'naltirish, jabrlanganlarni xavfsiz hududga olib chiqish hamda birinchi tibbiy yordam ko'rsatish harakatlari amalga ko'rsatildi.

O'quv mashg'ulotlari davomida qutqaruvchilarga noqulay

muhitda qutqaruv ishlarini olib borish yuzasidan tushunchalar berildi. Yo'l qo'yilgan xato va kamchiliklar muhokama qilindi.

S.VAYITOV,
Qashqadaryo viloyati FVB
matbuot xizmati boshlig'i,
mayor.

M.AHMEDOV,
Qarshi shahar FV bo'limi
boshlig'i, podpolkovnik.



Bekobod shahar FV bo'limi tomonidan mutasaddi tashkilotlar hamkorligida "Bekobodsement" AJ korxonasida taktik o'quv mashqi bo'lib o'tdi.

KORXONADA MASHG'ULOT

O'quv mashqi 3 bosqichda o'tkazilib, 1-bosqichda AJ navbatchi-dispatcherlarining aloqa va xabar berishdagi harakatlari. 2-bosqichda FV oqibatida ishchi-xodimlar va moddiy boyliklarni FM tuzilmalari kuch va vositalar bilan evakuatsiya qilish, 3-bosqichda obyektga ishlab chiqarish jarayonini tiklash va barqaror faoliyat ko'rsatishini ta'minlash tadbirlari amalga oshirildi.

Mashg'ulot davomida 115 nafar ishchi-xodimlarga tabiiy va texnogen xususiyatli FVlarning oldini olish yuzasidan tushuntirish ishlari olib borildi.

Miroxun MIRMAHMUDOV,
Bekobod shahar FV bo'limi inspektori, katta leytenant.



"Navoiyuran" davlat korxonasiga qarashli uran ishlab chiqarish zavodining "Экстракция" участкасида амалий ўқув-тактик машқи ўқазилди.

Унда ҳамкорликдаги хизматлар билан 1-ёнгин-қутқарув қисми шахсий таркиби, объектнинг ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизмати, кўнгилли ёнгиндан сақлаш хизмати дружиначилари, тез тиббий ёрдам хизмати ҳамда объектнинг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Машқ давомида объект ишчи-хизматчилари, шунингдек, шахсий таркибнинг фавқулдда вазиятларда ҳаракатланиш бўйича билимларини ошириш, ёнгин ва ишлаб чиқаришдаги



VAZIYAT АМАЛИЙ СИНОВ

авариялар жараёнида авария-қутқарув ишларини амалга ошириш, куч ва воситаларнинг доимий тайёргарлигини текшириш ва яна қатор масалаларга асосий эътибор қаратилди.

Маъруфжон ҲАЙИТОВ,
НКМК ЁХТТЭМ гуруҳ
бошлиғи, катта сержант.
Қосимжон САҲАТОВ,
1-ЁҚҚ бошлиғи,
подполковник.

БЕЛЛАШУВ



Унда шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган умумтаълим ва касб-хунар мактабларидан

Самарқанд вилояти ФВБ ҳамда тегишли идоралар ҳамкорлигида умумтаълим ва касб-хунар мактаблари ўртасида "Ёш қутқарувчи – 2023" мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

51-умумтаълим мактаби жамоаси қўлга киритган бўлса, Тайлоқ тумани 17-умумтаълим мактаб жамоаси мусобақанинг мутлақ ғолибига айланди. Шунингдек, Пахтачи тумани 1-касб-хунар мактаби жамоаси 3-ўринни қўлга киритган бўлса, 2-ўрин Иштихон тумани 1-касб-хунар мактаби жамоасига насиб этди. Жомбой тумани 2-касб-хунар мактаби жамоаси биринчи ўринга муносиб кўрилди.

Баҳриддин МУСУРМОНҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти
ФВБ бўлим бошлиғи,
подполковник.

ДОВОНДА МАШҚ

«Қамчиқ» махсус қидирув, ёнгин-қутқарув бошқармасининг ёнгин-қутқарув отряди ходимлари томонидан «Қамчиқавтойўл» ихтисослашган йўллардан фойдаланиш унитар корхонасига тегишли 258-йўл бўлимида ёнгинларнинг олдини олиш юзасидан ўрга-



ниш ишлари олиб борилди. Тадбир давомида жалб қилинган экипаж аъзолари ва автойўл бўлимининг смена таркиби иштирокида ёнгинларнинг олдини олиш, содир бўлганда ҳаракатланиш тайёргарлиги юзасидан амалий-тактик машғулот ўтказилди.

Б.МАДАМИНОВ,
«Қамчиқ» МҚЁҚБ
ЁҚО смена бошлиғи,
лейтенант.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сирдарё вилояти кенгаши ва Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси ҳамкорлигида ҳарбий қисм ва муассасалардаги ёш ҳарбий хизматчилар ўртасида "Аждодлар изидан" номли интеллектуал ўйинининг ҳудудий босқичи ўтказилди.

Унда буюк саркардаларимизнинг жанг санъати, жамият ва давлат ҳаётида амалга оширган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ислохотлари тўғрисидаги 4 та китоб асосида савол-жавоб ташкил этилди.

Қизгин кечган танловда Сирдарё вилояти ФВБ жамоаси Республика босқичида иштирок этиш йўлнамасини қўлга киритди.

Ғолиб жамоалар диплом ҳамда китоб жамланмалари билан тақдирландилар.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЎЙИН



Давронбек СУЛАЙМОНОВ,
Сирдарё вилояти ФВБ ОАВ ва ЖТБХҚГ бошлиғи, катта лейтенант.
Расулбек ХУДОЙБЕРГАНОВ, бўлим инспектори, лейтенант.

FAXRIYLAR YONG'IN-QUTQARUV QISMIDA

Ko'p yillardan buyon FVV tizimida qutqaruvchi kasbida faoliyat olib borib, bugungi kunda nafaqa gashtini surayotgan bir guruh faxriylar Termiz shahar favqulodda vaziyatlar bo'limi tasarrufidagi yong'in-qutqaruv qismiga tashrif buyurishdi.

Ular xodimlar uchun yaratilgan shart-sharoitlar bilan yaqindan tanishdilar.

Tadbir yakunida faxriylar ishtirokida buyuk alloma Al-Hakim at-Termiziy maqbarasiga ziyorat tashkil etildi.

J.JO'RAYEV,

Surxondaryo viloyati FVB JT va OAVBHQG boshlig'i, kapitan.



QOIDALARNI BUZMANG!

Qashqadaryo viloyati FVB tomonidan ta'lim muassasalarida "Suvda baxtsiz hodisalarning oldini olish" mavzusida seminarlar tashkil qilinib, o'quvchi-yoshlarga taqiqlangan ochiq suv havzalarida cho'milish oqibatlarini qanday holatlarga olib kelishi bo'yicha videoliklar namoyish etildi.

Shuningdek, mavzuga

doir buklet va eslatma materiallari tarqatildi.

Aziz SHERALIYEV,
Qarshi shahar FV bo'limi inspektori, kapitan.



NAZORAT

Koson tumani FV bo'limi xodimlari tomonidan mahallalar va aholi yashash xonadonlarining yong'inga qarshi holati tekshiruvdan o'tkazilib, yong'in xavfsizligini ta'minlashga oid targ'ibot va tashviqot ishlari kuchaytirilmoqda.

Yong'in xavfsizligi qoidalarini qo'pol ravishda buzib kelayotgan fuqarolar va mansabdor shaxslarga nisbatan O'zbekiston Respublikasi MJTKning 211-moddasi 1-qismi bilan ma'muriy jazo choralarini qo'llanilmoqda.

T.TURSUNBOYEV,

Koson tumani FV bo'limi inspektori, leytenant.

TASHVIQOT

Qibray tumani FV bo'limi tomonidan, qurilish ishlari olib borilayotgan, qayta rekonstruktsiya qilinayotgan va kapital ta'mirlanayotgan ob'ektlarning xavfsizlik holati va boshqa me'yor-normativ hujjatlariga amal qilinishi borasida profilaktik tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Uchrasuvlar davomida gaz va elektr asbob-uskunalarini va jihozlardan faqat loyiha hamda ekspluatatsion-texnik hujjatlarida belgilangan maqsadlarda, engin xavfsizligi talablariga rioya qilingan holda foydalaniish yuzasidan tavsia hamda tushuntirishlar berilmoqda.

Erjan ABDUKADIROV, Qibray tumani FV bo'limi O'EXTTЭB inspektori, serjant.

SANAGA BAG'ISHLANDI

FVV Akademiyasi huzuridagi Boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazida 9-may – Xotira va qadrlash kuni hamda G'alabaniyning 78 yilligi munosabati bilan Afg'on urushi qatnashchisi Sadridin Hasanov, markaz faxriylar kengashi raisi iste'fodagi polkovnik Mansurjon Rahmonov, podpolkovnik M.Shamsiyev va podpolkovnik Sh.Otaboyevlar ishtirokida uchrashuv bo'lib o'tdi.



Tadbir davomida S.Hasanov o'z boshidan o'tkazgan

Afg'on urushi qiyinchiliklari, mashaqqatlari hamda urushda

9 may – Xotira va Qadrlash kuni munosabati bilan Jizzax viloyati FVB va uning shahar, tuman bo'limlari xodimlari tomonidan tizimda uzoq yillar xizmat qilgan faxriylar, nuroniylar holidan xabar olinib, yurtimizning bugungi tinch-osoyishta hayoti uchun jasorat ko'rsatgan yurtdoshlar xotirasi yod etildi.

Jumladan, boshqarma rahbariyati tomonidan bugungi kunda nafaqada bo'lgan Botir Mamashukurovning holidan xabar olindi. Shuningdek, marhum Oybek Rashidovning qab-

INSON AZIZ, XOTIRA – MUQADDAS



ri ziyorat qilinishi bilan bir qatorda, obodonlashtirish ishlari amalga oshirildi.

Soatmurod ABDIYEV,
Jizzax viloyati FVB boshlig'i o'rinbosari, podpolkovnik.

SAMARALI USUL

Qashqadaryo viloyati FVB va uning hududiy bo'limlari tomonidan profilaktik tadbirlar muntazam ravishda olib borilmoqda.

Koson tumani dagi targ'ibot tadbirlari davomida "Sariyul" MFY-da aholi yashash xonadonlarida uy-uy yurgan holda 94 ta yashash xonadonida profilaktik suhbatlar o'tkazildi.

Shuningdek,



tumandagi 3-umumta'lim maktabida qutqaruv jarayonlari haqida yoshlarga qiziqarli ma'lumotlar berildi. O'quvchilar yong'in o'chirish, qutqaruv mashinalari, undagi zarur asbob-anjomlar haqida mutaxassislardan ma'lumotlar olishdi.

Nurilla DONIYOROV,
Koson tumani FV bo'limi boshlig'i, podpolkovnik.

Sherzod KELDIYEV,
Qashqadaryo viloyati FVB xodimi, podpolkovnik.

YOSH QUTQARUVCHILAR

Surxondaryo viloyatidagi kasb-hunar maktablari va umumta'lim maktablari o'rtasida "Yosh qutqaruvchi" musobaqasining viloyat bosqichi o'tkazildi.



Mazkur musobaqada umumjamoa hisobida 3-o'rinni Termiz tumani 12-sonli IDUMning "Burgutlar", Boysun tumani 2-son kasb-hunar maktabining "Jasorat" 2-o'rinni Denov tumani 81-sonli umumta'lim maktabining "Qalqon", Oltinsoy tumani 2-son kasb-hunar maktabining "Burgut" jamoalari qo'lga kiritdi.

Termiz shahar 6-sonli umumta'lim maktabining "Lochin", O'zbekiston Respublikasi IIV Surxondaryo akademik litseyining "Lochin" jamoalari 1-o'rinni qo'lga kiritib, respublika bosqichiga yo'llanma oldi.

J.JO'RAYEV,
Surxondaryo viloyati FVB JT va OAVBHQG boshlig'i, kapitan.



SUN'IY TO'SIQLAR

Farg'ona shahar FV bo'limi tomonidan "Istiqloq" mahallasidagi ko'p qavatli aholi turar joylarining asosiy kirish yo'laklaridagi o'ndan ziyod sun'iy to'siqlar mustasaddi tashkilotlar vakillari hamda fuqarolar ishtirokida olib tashlandi. Chunki fuqarolar tomonidan asosiy harakatlanish yo'laklarini turli xildagi sun'iy to'siqlar bilan berkitib yuborilganligi qutqaruvchilar uchun bir qancha qiyinchiliklarni keltirib chiqaradi.

Turli xildagi favqulodda vaziyatlar sodir bo'lganda, ularni bartaraf etish uchun jalb etilgan maxsus texnikalarning erkin harakatlanishi esa sodir bo'lgan favqulodda vaziyatlarni bartaraf etishda juda muhim hisoblanadi.

Ahliddin ALIJONOV,
Farg'ona viloyati FVB OAV va JTBNQG boshlig'i, katta leytenant.



АВИАЦИЯДА АВАРИЯ

Авиациядаги авария жуда тезлик билан ҳал қилиниши лозим. Имкони борича авиатехникадаги камчиликни тўғрилаш, иложи бўлмаса, дарҳол ерга қўндириш мақсадга мувофиқдир. Бунда, албатта, экипаж командири ва аэродром бошлиғи бутун маъсулиятни ўз зиммаларига оладилар.

Авиатехникани қўндириш чоғида қидирув, авария-қутқарув, биринчи тиббий ёрдам, эвакуация ҳамда фуқаро муҳофазасининг бошқа қисмлари қатнашади.

Фуқаро муҳофазаси тизимларида хизмат қилувчилар ҳам табиий офат оқибатларини тугатишда биринчи ёрдамга келиши, одамларни турли хавф-хатарлардан қутқариши лозим ҳисобланади.

А.АТАДЖАНОВ, майор.
А.ИСМАЙЛОВ, лейтенант,
Қорақалпоғистон Республикаси ФВБ ОЕХТТЭБ инспекторлари.

ОГОҲЛИК

Шамоллатиш тизими яхши ишламайдиган органик моддалар ишлаб чиқарадиган корхоналар, автоуловлар турар парклар, янги бўялган ва шамоллатилмаган хоналарда, шунингдек, уй шароитида табиий газ чиқиб турганда ёки печка билан истиладиган уйлар, ҳаммомларда, дам олиш палаткаларида модданинг тўлиқ ёнмаслиги натижасида ис газидан заҳарланиш мумкин.

Ис газини организмга нафас аъзолари орқали таъсир этади. Ушбу

газ гемоглобин билан кислородга нисбатан 300 мартаба кучли бирикма-карбоксигемоглобин ҳосил қилиб, оқибатда гемоглобиннинг тўқималарга кислород ташиш хусусияти кескин пасаяди ва гипоксияга, оғир ҳолатларда эса аноксияга олиб келиши ҳамда шу тариқа инсон ҳаётдан кўз юмиши мумкин.

Шундай экан, ҳар доим ушбу кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишда огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз лозим.

А.МАҲМУДОВ,
Бектемир тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, майор.



ПРОФИЛАКТИКА

Namangan shahar FV bo'limi tomonidan Yangi Namangan tumani "Kelajak tongi" mahallasida yong'in va boshqa favqulodda vaziyatlarning oldini olish yuzasidan 1421 ta aholi yashash xonadonida profilaktik tadbirlar o'tkazildi.

Bundan tashqari, shahar hududidan oqib o'tuvchi kanal va soylarda cho'kish bilan bog'liq baxtsiz holatlarning oldini olish maqsadida ogohlantiruvchi belgilar o'rnatilib, o'quvchi-yoshlar bilan suhbatlar tashkil etildi. MFY hududida yangi qurilayotgan binolardagi ishchi-xizmatchilarga yong'in xavfsizligining oldini olish yuzasidan yo'riqnomalar berildi.

Mazkur tadbirlar viloyatning barcha tumanlarida davom ettirilmoqda.

Qahramon SATTOROV, Namangan viloyati FVB OAV va JTBNQG boshlig'i, kapitan.

Shuhrat SHUKUROV, Namangan shahar FV bo'limi boshlig'i, mayor.

МАҲАЛЛАДА УЧРАШУВ

Қашқадарё вилояти ФВБ ходимлари томонидан вилоятнинг шаҳар ва туман марказларидан олинган ҳудудларда "Менинг маҳалламда ёнғин содир бўлмайди!" шиори остида ёнғин хавфсизлиги қоидалари тўғрисида тушунтириш-тарғибот ишлари амалга оширилмоқда.

Хусусан, Шаҳрисабз тумани "Оммогон" МФЙда туман ФВ бўлими ҳамда мутасадди хизматлар ҳамкорлигида маҳаллада ёлғиз яшовчи, ногирон ва боқувчисини йўқотган фуқароларнинг хонадонларига кирилиб, хонадон эгаларига ёнғин хавфсизлиги

талаблари бўйича йўл-йўриқ берилди.

Шунингдек, ёнғинлар келиб чиқишининг олдини олиш чоралари ва ёнғин вақтидаги ҳаракатлар тартибини намоиш қилувчи 2 турдаги буклетлар тарқатилиб, 3 турдаги катта ҳажмли баннерлар ишлаб чиқилган ҳолда, туман марказий кўчаларига жойлаштирилмоқда.

А.ПҮЛАТОВ,
Шаҳрисабз тумани ФВ бўлими бошлиғи, капитан.

Н.БЕКБҮТАЕВ,
бўлим бошлиғи ўринбосари, майор.

NOXUSH HOLATLARGA QARSHI

Jizzax viloyati FVB va Yo'l harakati xavfsizligi boshqarmasi hamkorligida yo'lovchi tashish faoliyati bilan shug'ullanuvchi haydovchilar transport vositalariga o'rnatilgan gaz ballonlari yaroqliligini o'rganish maqsadida nazorat-reyd tadbirlari o'tkazildi.

Tadbirlar davomida avtomobilga o'rnatilgan gaz balloni portlashiga sabab bo'luvchi omillar, ularni bartaraf etish va transportda harakatlanuvchi fuqarolar xavfsizligini ta'minlash maqsadida, transport vositalariga o'rnatilgan muddatini o'tab bo'lgan, ya-

roqsiz hamda sifat sertifikatiga ega bo'lmagan gaz ballonlari tegishli tartibda foydalanishdan chiqarildi.

Orif MUSTAFOYEV,
Jizzax viloyati FVB bo'lim boshlig'i, podpolkovnik.

БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Андижон шаҳар "Форобий" МФЙ, Хумоюн кўчасида яшовчи Ф.Снинг уйини 150 кв.м. майдонда шифт-том қисми ва уй жиҳозлари ёнган. Аланга ёнғин-қутқарув гуруҳи томонидан бартараф этилди.

Ёнғиндан уйнинг 50 кв.м. майдони сақлаб қолинган. Ёнғин сабаби ва зарари аниқланмоқда. Ёнғинга 6 та ёнғин-қутқарув экипажи жалб этилган.

Ҳодиса оқибатида тан жароҳати олган ва ҳалок бўлганлар йўқ.

С. ЗУЛУНОВ,
Андижон вилояти ФВБ ОАВ ва ЖТБХҚГ бошлиғи, майор.

Б.ГАППАРОВ,
Андижон шаҳар ФВ бўлими инспектори, капитан.

АМАЛИЙ САВОҚ

G'uzor tumanidagi 67-umumta'lim maktabida "Sho'rtan" neft-gaz qazib chiqarish boshqarmasi OBYXTTEB tarkibidagi 38-YQQ shaxsiy tarkibi ishtirokida o'quv mashq o'tkazildi.

Tadbir davomida o'qituvchi va o'quvchilarga favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularni bartaraf etish borasidagi muhim vazifalar tushuntirildi.

Yong'in o'chirish vositalari va asbob-anjomlaridan foydalanish tartibi amalda ko'rsatildi.

Sherzod UROZOV,
"Sho'rtan" NGQCHB binolarida YXTTEB mutaxassisi, serjant.

"Навоий кон-металлургия комбинати"га қарашли "Фарҳод" маданият саройида беш кунлик "Қизилқум санъат ғунчалари-2023" кўрик-танлови ўтказилмоқда. Унда комбинатнинг ишчи-хизматчиларининг 700 нафардан зиёд ўғил-қизлари ва ёшлари иштирок этишди.

ТАДБИР



Тадбир давомида профилактика ходимлари томонидан болажонларга ёнғин ва фавқулodда вазиятларнинг олдини олиш бўйича тушунчалар берилиб, соҳага оид тарғибот материаллари тарқатилди.

Маъруфжон ҲАЙИТОВ,
НКМК Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази гуруҳ бошлиғи, катта сержант.

XAVFSIZ QUTQARUV

Evakuatsiya yo'llaridagi barcha eshiklar binodan chiqish yo'nalishi bo'yicha erkin ochilishi kerak. Bino va inshootlarda hamda ulardan chiqish eshiklarini ustki qismida evakuatsiya yozuvlarini va chiqish joylarini ko'rsatuvchi yong'in xavfsizligi belgilari o'rnatilishi lozim. Evakuatsiya yo'llaridagi eshiklarni qulflab qo'yish taqiqlanadi.

Eng muhimi, evakuatsiya

ya chiqish joylarining soni, ularning o'lchamlari, yoritish va tutundan himoyalanih ta'minlanganligi sharoitlari, evakuatsiya yo'llarining uzunligi shaharsozlik normalari hamda qoidalardagi yong'in xavfsizligi talablariga muvofiq bo'lishini ta'minlash joizdir.

Nodirbek HASANOV,
Qarshi tumani FV bo'limi boshlig'i o'rinbosari, kapitan.

O'RIMGA HOZIRLIK

Norin tumanida "G'alla-2023" o'rim-yig'imi mavsumiga tayyorgarlik ko'rish, g'alla maydonlarini tayyorlash, hosilni o'z vaqtida nest-nobud qilmasdan o'rib, yig'ishtirib olishga alohida e'tibor qaratilmoqda.

Namangan viloyati FVB xodimlariga mavsumda yong'in xavfsizligini ta'minlash yuzasidan muhim vazifalar yuklatilgan. Mashina-traktor parklarida uyushtirilayotgan seminarlarda, avvalambor, mavsumga jalb etilgan g'alla o'rim kombaynlarning joriy ta'mirdan chiqarilgani, yo'l harakati xavfsizligi qoidalariga to'liq rioya etilishi lozimligi borasida tushuntirish ishlari amalga oshirilmoqda.

Davron MURODOV,
Norin tumani FV bo'limi mutaxassisi, oddiy askar.

YORDAM KO'RSATILDI

Chiroqchi tumanida yashovchi fuqaro O.A. "ISUZU" rusumli yuk avtomobilida "Taxtaqoracha" dovoni avtomobil yo'lining 1139-kilometrida Samarqand-Qashqadaryo yo'nalishida harakatlanib ketayotganida boshqaruvni yo'qotadi. Ehtiyotsizlik oqibatida avtoullov pastlikka tushib ketgan. Natijada yong'in chiqqan va transport vositasi to'liq yongan.

Vaziyat bo'yicha xabar kelib tushgach, 1 ta bo'linma hamda qutqaruvchilar guruhi manzilga yetib borib, so'dir bo'lgan yong'in oqibatlarini bartaraf etgan. Yuk mashinasida bo'lgan 24 yoshli fuqaro O.A. hamda unga hamrohlik qilayotgan fuqaro A.O. mashinadan sakragan va tan jarohati olgan. Jabrlanuvchilar tuman tibbiyot birlashmasiga yuborilgan.

Qashqadaryo viloyati FVB matbuot xizmati.

Surxondaryo viloyati FVB boshlig'i va o'rinbosariga birlashtirilgan Sariosiyo tumanidagi yoshlar uchun boshqarma boshlig'ining qabuli hamda Denov tumani FV bo'limi yong'in-qutqaruv qismida "Ochiq eshiklar kuni" tashkil etildi.


YOSHLAR BILAN ISHLASH

Yoshlarga qutqaruvchilar tomonidan amaliy chiqishlar namoyish qilinib, yong'in o'chirish asbob-anjomlarining ishlash imkoniyatlari ko'rsatildi.

Tadbir davomida yoshlar o'rtasida shaxmat, shashka, stol tennisi va futbol muso-

baqalari o'tkazildi. G'olib jamoalar esdalik sovg'alari bilan taqdirlandi.

Shuningdek, yoshlar bilan bir dasturxon atrofida suhbat davom ettirilib, Sangardak ziyoratgohiga sayohat tashkil qilindi.



J.JO'RAYEV, Surxondaryo viloyati FVB JT va OAVBHQG boshlig'i, kapitan.



Koson tumanida joriy yil 18 ming besh yuz gektar maydonda g'alla ekilgan. Ayni kunlarda g'alla o'rim-yig'imiga tayyorgarlik ishlari boshlab yuborilgan.

O'tkazilayotgan nazorat tadbirlarida g'alla o'rish kombaynlarning texnik holati, o'rim-yig'im davrida kelib chiqishi mumkin bo'lgan yong'inlarning oldini olish yuzasidan fermer xo'jaligi ishchi-xizmatchilari va mas'ul xodimlarga yong'in xavfsizligi yuzasidan tavsiyalar berib borilmoqda.

Tuman FV bo'limi tomonidan don qabul qilish maskanida yong'in o'chirish amaliy mashqi bo'lib, unda sodir bo'lgan shartli halokatlarni bartaraf etish harakatlari bajarildi.

O'tkir XUSHBOQOV,
Koson tumani FV bo'limi inspektori, oddiy askar.
Alisher KARIMOV,
Qashqadaryo viloyati FVB inspektori, serjant.

BARCHAMIZ MAS'ULMIZ

Инсон саломатлигига хавф солаётган фавқулудда вазиятларнинг талафотли турларидан бири – ёнғиндир. Халқимизда "Ўт балосидан, сув балосидан Ўзи асрасин", деган нақл бежиз айтилмаган. Ёнғинларни бартараф қилгандан кўра, уларнинг олдини олган самаралироқдир.

Ёнғинлар натижасида турли хавфли омиллар – очиқ аланга, юқори ҳарорат, тутун, турли заҳарли газлар, ис гази, ҳавода кислород концентрациясининг пасайиши, электр токи хавфи, портлашлар, бино ва иншоотларнинг қулаши каби хавфли омил-

лар юзага келади.

Бунинг натижасида инсонлар ҳалок бўлиши, тан жароҳати олиши, заҳарланиш, куйиш, шунингдек, ҳайвонлар нобуд бўлиши, бино ва иншоотлар, товар-моддий бойликлар, асбоб-ускуналар, ҳужжатлар, санъат асарлари, уй жиҳозларининг буткул ёниб кетиши ёки шикастланиши натижасида атроф табиий муҳитга зарар етиши мумкин.

И.ЭШПЎЛАТОВ,
Тошкент вилояти ФВБ Қибрай тумани ФВ бўлими инспектори, сержant.

ТАРФИБОТ

Сергели тумани ҳудудида очиқ майдонлар, хиёбонлар, ариқ ёқалари, маҳалла ва кўчаларда об-ҳавонинг иссиши натижасида қуриган ўсимликларнинг ёниши ёки эҳтиётсизлик натижасида ёндирилишининг олдини олиш бўйича профилактик тадбирлар олиб борилмоқда.

Бу борада туман ободонлаштириш бўлими, МФИ, корхона ва ташкилотлар, хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар ходимлари билан учрашувлар ўтказилиб, қуруқ ўт ва шох-шабалардан ҳудудни тозалаш бўйича тақдимномалар киритилмоқда. Фуқароларга тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Н.УСМОНОВ,
Сергели тумани ФВ бўлими бошлиғи ўринбосари, подполковник.

КЎНИКМАЛАР ОШИРИЛМОҚДА

Бугунги кунда ёнғин ва бошқа тусдаги фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш юзасидан бир қатор профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тадбирлар давомида ишчи-ҳодимлар иштирокида учрашув ва давра суҳбатлари ташкил қилиниб, мутахассислар томонидан ёнғин ва техника хавфсизлигини таъминлаш, фавқулудда вазиятлар юзага келганда тўғри ҳаракатланиш юзасидан тушунчалар берилмоқда.

Мазкур учрашувларда иштирокчиларнинг саволларига атрофлича жавоблар берилиб, ёнғин-қутқарув техникалари, махсус асбоб-анжомлар намоиши ташкил қилинди. Хизмат фаолиятида фойдаланиш учун кўргазмали материаллар тарқатилди.

Шерзод ТУРСУНОВ, Тошкент шаҳар ФВБ ЁХТТЭБ инспектори, майор.

РИЗҚ-РЎЗИМИЗНИ ЁНҒИНДАН АСРАЙЛИК!

Уйчи туманида 6295 гектар ерга ғалла экилган бўлиб, "Ғалла-2023" мавсумида давлатта 24700 тонна ғалла етказиб бериш режалаштирилган.

Мавсум давомида экилган ғалла майдонларида ўрим-йигим олдида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш, ғаллани нобудгарчилигига йўл қўймаслик, ўрилган ғалла майдонларидаги сомонларни еқмаслик борасида фермер хўжаликларнинг мутасадди ходимлари, ғаллакор ҳамда механизаторла-

ри билан суҳбатлар ўтказиш лозим.

Хўжалик раҳбарлари ва ғаллакорлар куйидаги тадбирларни бажаришлари талаб этилади:

– ўрим пайтида ғалла майдони яқинида ҳайдов трактори, ёнғин ўчиришга мўлжалланган сув олиб юриш техникаси, ғалла майдонлари 0.50 га. майдонларга бўлиниши ва кунлик ўрим майдони белгиланиб, майдонлар оралиғида ёнғинга қарши полосалар ташкил этилиши;

– ғалла майдонлари орасидан ўтувчи автотрактор йўлларини беркитиш чораларини кўриш, ғаллазорлар оралиғи 8 метр кенликда тозаланиб, 4 метр кенликда ҳайдалиши, механизаторларнинг дам олиш, шийпонлар, овқат тайёрлаш ўчоқхоналари, ғаллазорлардан 100 метр узоқликда жойлаштирилиши ҳамда турли хилдаги босимли синовдан ўтмаган газ баллонларидан фойдаланмаслик;

– ғаллазорлар ичидан

ўтказилган электр ва газ йўллари, мутахассислар томонидан техник текширувдан ўтказилиб, биринчи навбатда, ўриб олиш чоралари кўрилиши, ўрим-йигимга жалб этилган автотракторларнинг двигателлари учқунли ушлагичлар ва ёнғин ўчириш анжоми билан таъминланиши лозим.

Шунингдек, автомобиль, комбайн, автотракторларнинг таъмирлаш ҳамда ёқилғи-мойларни куйиш ғаллазорлардан 30 метр узоқликда, атрофи

4 метр кенликда тозаланиб, шудгорланган майдончаларда амалга оширилиши, ҳудудида ёнғинга қарши сув ҳавзаси қурилиши ва ёнғинга қарши қалқонлар, ёнғин ўчириш анжомлари билан тўлиқ таъминланиши шарт

Юқорида айтиб ўтилган кўрсатмаларга астойдил амал қилсак, ғаллани етиштириш, қайта ишлаш ва сақлаш даврида ёнғин хавфсизлигини тўла таъминлаган бўламиз.

С.БАХРОНОВ,
Уйчи тумани ФВ бўлими инспектори, лейтенант.

Халоскорлар хикоялари

СЎНГГИ УМИД ШУЪЛАСИ

(ҳаётини воқеа асосида битилди)

Куёш қизариб ботмоқда. Қирғоқда беш-олти нафар эркак дарёга умид кўзларини тикиб турибди. Арқонни ушлаб турган қутқарувчи-ғаввосдан келган сигнални пайқаб, арқонни юқорига торта бошлади. Ғаввос дарёнинг қирғоққа яқин, саёз жойида қаддини ростлаб, сувдан чиқиб келди. Ҳамма-нинг нигоҳи унга қадалган. Ғаввоснинг йўқ дегандай бошини чайқаб қўйганини кўрган қирғоқдагиларнинг юзи янада маъюслашди. Энди куч-қувватга тўлишиб, ўсиб келаётган 14 ёшдаги Ҳумоюн исмли ўсмир йигит Чирчик дарёсида чўкиб кетган. Чўкканини кўрган ўртоқларининг айтишича, сузишни шерикларидан анча яхши билган болакай қирғоқнинг баландроқ еридан югуриб келиб, ўзини дарёга отган ва сувдан қайтиб чиқмаган...

Қирғоқда турган кишилар Ҳумоюннинг қариндошлари. Отаси Ботир ака ғаввос-қутқарувчилар гуруҳи командири катта лейтенант Ҳақимжон Очилловдан қоронғи тушгунига қадар ғаввосларнинг яна бир бор сув ичига шўнғиб, излаб кўришларини илтимос қилиб сўрар, зора шу сафар фарзандимнинг танаси топилиб қолса, дея умид қиларди.

Ҳақимжон рози бўлмади. Шўрпешона отага хавфсизлик қоидаларига кўра, куёш ботгандан кейин ғаввосларнинг сувга шўнғиши мумкин эмаслигини, ноқулай шароитда сувга тушириб, ғаввосларнинг ҳам ҳаётини хавф остига қўя олмаслигини илҳом борича юмшоқ гапириб тушунтирди.

– Уч кундан бери тинмай излаямиз, ака, бугуннинг ўзида дарё ўзанининг етти километр масофадаги қисмини текшириб чиқдик. Бугун шу ерда тунаб, эртага эрталабдан худди шу жойдан излашни давом эттирамиз. Худо хоҳласа, эртага топилади, ака, – дея Ботир акага далда берган бўлди Ҳақимжон.

Сўнгра гуруҳидаги йигитларга юзланиб, ҳар бирига алоҳида вазифа юклади:

– Ақром ака, Саидбек билан компрессорни узоқроққа олиб бориб, аквалангларнинг ҳавоси тугаган баллонларига ҳаво тўлдиришлар. Босимни 215 баргача тўлдириш, совигандан кейин 200 барга тушади. Адҳам, сиз Олимжон билан текисроқ, қуруқ жой топиб, палатка тикланг. Муҳиддин ака, қозон осиб, овқатнинг ҳаракатини қилинг, мен сизга ёрдамлашаман...

Ҳамма ўзига берилган вазифани бажаргани тарқалди. Ҳақимжон Адҳам билан Олимжонга қирғоқдан 50 метрча узоқликда турган махсус қутқарув автоуловидаги палатка анжомларини туширишга кўмаклашди. Кейин автоуловдан ихчамгина ясалаган қозон-ўчоқни олиб, Муҳиддин ака овқат қилиш учун танлаган жойга олиб кетди.

Ботир ака ғаввослар билан хайрлашди-да эртасига азонда шу ерда бўлишини айтиб, қариндошлари би-



лан машинага ўтириб уйга кетди. Кетарди-ю, ҳаёлига ҳар хил фикрлар келарди: “Ғаввослар билан тунаб қолсам бўларкан, уйда хотинимнинг кўзига қандай қарайман. Бугун ҳам топилмади ўғлимиз десам, адойи тамом бўлган она яна баттар аҳволга тушади. Уч кундан бери ухламайди. Кеча тез ёрдамни чақириб, укол қилдириб ухлатганим яхши бўлди. Бугун нима қиламан?! Эй Аллоҳим, ўзинг сабр бер!...”

Муҳиддин аканинг овқати пишгунча қоронғи тушди. Берилган вазифаларини бажариб бўлган йигитлар палаткага яқин жойда кичикроқ гулхан ёқишди. Гулхан атрофида ўтириб овқатланишди. Кун бўйи ишлаб чарчаган йигитлар Ҳақимжон тунги навбатчилик рўйхатини эшиттиргандан сўнг палатка ичига ухлагани кириб кетишди.

Рўйхат бўйича биринчи навбатчилик Муҳиддин аканики бўлганлиги сабабли у гулхан ёнида Ҳақимжон билан суҳбатлашиб ўтирди. Муҳиддин ака Фавқуллодда вазиятлар вазирлигида анча йиллардан буён ғаввос-қутқарувчи лавозимида хизмат қилади. Нафақага чиқишига ҳам бир йилдан зиёдроқ вақт қолди. Анча ёш бўлганлиги сабабми, командири бўлишига қарамай Ҳақимжон билан сенсираб гаплашади. Ҳақимжонга ҳам бу малол келмайди, уни ўз устозидай кўради. Хизмати давомида бу самимий инсондан ғаввослик сирларини кўп ўрганган...

Муҳиддин ака шашти пасайган гулханга қуруқ шохдан ташлаб қўйганча суҳбатни давом эттирди: “Сен билан бирга хизмат қилаётганимизга ҳам учтўрт йил бўлиб қолибди. Сенинг бошчилигингда ўнга яқин сувга чўкиб кетган болаларни сув остида топиб, ота-онасига топширдик. Ойлаб қидириб, сув остини қаричлаб излаб, топа олмай, худди гуноҳкорлардай ота-онасидан кўзимизни яшириб юрган вақтларимиз ҳам бўлди. Қани энди, барча болалар сув ҳавзаларининг фақат рухсат этилган жойларида сузишса-ю, ҳеч ким сувга ғарқ бўлмаса, оталар қон ютмаса, оналар фарёд чекмаса. Эҳҳ!...”

Бироз сукутдан кейин у ёнидаги суҳбатдошига: “Фарзандининг жа-

садини кўрган отанинг кўзида бир лаҳзагина бўлса-да, қувонч шуъласи ялт этганини кўрганмисан?” – дея савол берди. Ўйчан Ҳақимжоннинг ҳали жавоб беришини ҳам кутиб ўтирмай, яна гапида давом этди Муҳиддин ака: “Мен кўрганман... Ҳайрон бўлма, бу шуъла – ўн кундан буён сув остида қидири-лаётган фарзандининг топилганлиги учун, куйиб-ёниб, қон ютиб, тақдирга тан бериб бўлган отанинг “Аллоҳга шукур” деганидир, агар билсанг... Аллоҳга шукурки, энди у фарзандининг, жонсиз бўлса-да, танасини қучоғига босиб, хайрлаша олади, рози-ризолик сўрайди. Фарзандининг вужудини ювиб-тараб, оппоқ кафанга ўраб, дафн эта олади. Энди, фарзандининг маълум қабри бўлади. У энди дарё бўйига эмас, фарзандининг қабри устига қабртош қўяди ва тез-тез келиб, қуръон тиловат қилиб туради...”

Шу сўзларни айтган эkan, Муҳиддин аканинг қалб тубидан оғир хўрсиниқ келар, кўзларидан эса ёш юмаларди. Ҳақимжоннинг ҳам бўғзига нимадир тикилгандай бўлди, худди тутунга ачишгандек кўзларини артиб қўйди...

– Ҳақимжон, чарчагансан, эртага эрта туриб, қидиришда давом этишимиз керак, кириб ухлаб ол. Кейинги навбатчини уйғотмай қўяқол, ўзим тураман, уйқум келмаяпти, – дея суҳбатни якунлади Муҳиддин ака...

Тонг отди... Табиат кўйнида тунаган қутқарувчилар уйқуга қониб уйғондилар ва нонушта қилдилар. Бу орада Ботир ака ҳам қариндошлари билан етиб келишди.

Қидирув ишлари кеча тўхтаган жойидан бошланди... Дарё ўзанининг яна ярим чақиримча масофадаги қисми текширилди. Ҳаво баллонини тўласига алмаштириб, сувга шўнғиб кетган ғаввос-қутқарувчи Ақром ака негадир муддатидан анча аввал арқонни уч марта тортиб, юқоридагиларга сигнал берди.

Қирғоқдаги қутқарувчилар арқонни торта бошлашди. Ғаввос сув юзига чиқди. Унинг қўлларида 14 ёшли Ҳумоюннинг жасади бор эди. Ҳамма ҳаяжондан дод деб юборди. Вужудлар титраб, кўзларга ёш қуйилди. Айни шу вақтда ғаввос-қутқарувчилар гуруҳи командири Ҳақимжон беихтиёр “шўрпешона ота” – Ботир аканинг юз-кўзларига қаради. Мотамсаро отанинг қадди тақдир зарбасидан камондай буқилган эса-да, юзида Яратганга нисбатан шукроналик, миннатдорлик туйғуси ялт этгандай бўлди. Лаблари нималарнидир пичирлади...

Ҳақимжон тилида ҳам бу вақтда бир сўз такрорлана бошлади: “Ҳа, энди Ҳумоюннинг қабри бўлади...”

Равшан БАКИРОВ,
ФВВ МВБРҚМ Марказий кимё-радиометрик лабораторияси бўлим бошлиғи, катта сержант.



Vaziyat

gazetasu

Муассис:
Ўзбекистон
Республикаси
Фавқуллодда
вазирлар
вазирлиги

Бош муҳаррир в.б.
Азамат СУЙОНОВ

Газета таҳририят
компьютерхонасида
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг
пайшанба куни чиқади.
Топшириш вақти — 15:00.
Топширилди — 15:00.

Навбатчи:
М. САНАЕВ

Таҳририятга юборилган
материаллар қайтарилмайди ва
изоҳ берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқлиниши
мумкин.

Газетадан олинган
материаллар манбаси
кўрсатиш шарт.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007 йил
3 январда 0096-рақам
билан рўйхатга олинган.
ISSN 2091-5292

Таҳририят манзили:
100084, Тошкент шаҳри,
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй.
Тел.: (71) 231-96-71
Телеграмм: (90) 016-87-67

Индекс:
якка обуначилар ва
ташкilotлар учун — 382

Газета
“BUSINESS PRINT DESIGN”
босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй
Буюртма №
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т
Адади — 6630 нусха